

Ўзбекистон халк шоири, таникли драматург, Хамза Мукофоти совриндори Собир Абдулла 1905 йили Кўкон шахрида хизматчи оиласида дунёга келди. Эски ва совет мактабларида билим олган Собир Абдулла ишчилар тайёрлов курсини (1924-1926) тамомлади.

1925-1948 йилларда «Янги Фаргона», «Ёш ленинчи» рўзномалари, «Муштум»да ходим, Апдижон театрида адабий эмакдош бўлиб ишлади. Собир Абдулланинг ижоди 1925 йилдан бошланган. Шоирнинг «Ерк илхомлари» номли биринчи тўплами 1931 йилда босилиб чиқди. «Кўклам, нашъаси» (1932), «Таажжуб», «Гулшан» (1939) шеърлар тўплами, «Навбахор» (1930), «Дўстлик» (1937) хикоя тўпламларида халкнинг хаёти, севгиси ва маънавий дунёси ўз ифодасини топган.

Собир Абдулла — сермахсул драматург. Унинг «Богбон кизи» (1930), «Ойхон» (1935), «Тохир ва Зухра» (1939) сахна асарлари, «Алпомиш», «Мукимий» кабилар театрларимизнинг кўрки бўлди.

Улуг Ватан уруши йилларида адиб жанг майдонлари кахрамонлари ва фронт оркасида кишиларнинг фидокорона меҳнат мўжизаларини акс эттирувчи «Агар Ватан буюрса», «Чегарачи», «Олга кадам ташланглар» шеърларини ёзиш билан бирга, «Курбон Умаров» (1941), «Даврон ота», (1942) каби пьесаларнинг яратилишида фаол иштирок этди. Урушдан кейинги йилларда Собир Абдулла яратган «Ватан севгиси», «Бахтим килур намойиш», «Пахтакор тонги», «Равшан замон» кўшиклари халкимиздаги ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик фазилатларини улуглашга хизмат килди.

Шоир газалнавис, кўшикчи шоир сифатида замондоши, дўсти Гафур Гулом билан ҳамкорликда ижод килган. Умрининг сўнгги йилларида демократ шоир Мукимий таржимаи холи бадиий акс эттирилган «Мавлоно Мукимий» номли романнинг ҳам муаллифидир. Собир Абдулла 1972 йилда оғир хасталик билан вафот этди.